

## “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедраси профессори, т.ф.д. Худоёров Б.М.нинг институт ҳузуридаги Бешкент қишлоқ хўжалиги техникуми ташрифи ва талабалар билан суҳбати

ТИҚХММИ “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедраси профессори, т.ф.д. Худоёров Б.М., институт Қарши филиали Илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари т.ф.д., профессор Равшанов Х.А. ва институт Қарши филиали “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факултети декани т.ф.д., доцент Қодиров У.И.лар ташриф буюриб, техникумнинг 1-босқич талабалари сафига қабул қилинганликлари билан табриклаб, уларнинг ўқишига мувофиқиятлар ва юксак марралар тилаб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилгани ҳақида сўзлаб берди, шу билан бирга соҳадаги янгиликлари, амалга оширилган тадбирлар, ёшларнинг кенг қатламларга дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароитлар яратилганлиги, ҳар тамонлама қўллаб қувватлашликларинини ёшларга тушинтириб бериб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта муҳим устувор йўналиши бўйича “ Ҳаракатлар стратегияси” демократик давлат қуриш ва фуқоролик жамият ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшларни ўрни ва уларни фаоллигини ошириш ҳақида сўзлаб берди.



У ўз сўзи давомида институт тарихи, унинг фаолияти, институтда талабаларга яратиб берилган имконият ва шароитлар, институтда фаолият қилинаётган профессор-ўқитувчилар, устоз-мураббийлар, замонавий техникалар билан таъмингани, талабаларни ўқиши ва дам олиши учун кенг ва ёруғ хоналар, замонавий Ахборот ресурс маркази ва талабаларни замонавий ётоқхоналар билан тامينлаш имконияти борлиги, ҳақида техникумнинг 1-босқич талабаларига сўзлаб берди. Институт Қарши филиали Илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари т.ф.д., профессор Равшанов Х.А. сўзга чиқиб ёш талабаларга ўз фаолияти, институт филиалидаги шароитлар, қисқа муддатда эришилган ютуқлари, бугунги ёшларга давлат тамонидан яратиб берилаётган имкониятлар, 2021 йил Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йили давлат дастурини тушунтириб берди. Йўналиш қатнашчиларга техникум директори Ш.Х.Мардонов самимий суҳбатлари, талабалар ва жамоа номидан миннатдорчилигини билдирди.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**